

“Тасдиқлайман”

Ўзбекистон Республикаси
Алкоголь ва тамаки бозорини
тартибга солиш ҳамда

виночиликни ривожлантириш
агентлиги директор

Ўринбосари Ш. Ражабов



Handwritten signature in blue ink over a horizontal line.

2022 йил

Контрафакт маҳсулотлари ва уларнинг аҳоли саломатлигига таъсири,
“Asl belgisi” МАТнинг жорий этилиши ҳамда аҳолини “он-лайн” касса
назорат машинаси ҳақида хабардор этиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқини
ҳимоялаш борасида тушунчалар бериш бўйича ижтимоий ролик

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Т/р	Техник топшириқ бўйича маълумот ва талаблар	Техник топшириқ бўйича маълумот ва талабларнинг асосий мазмуни
1.	Хизматлар кўрсатишнинг номланиши	Контрафакт маҳсулотлари ва уларнинг аҳоли саломатлигига таъсири, “Asl belgisi” МАТнинг жорий этилиши ҳамда аҳолини “он-лайн” касса назорат машинаси ҳақида хабардор этиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш.
2.	Лойиҳани амалга ошириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 июлдаги 6033-сонли фармониға мувофиқ, Агентликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган: истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, виночилик соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, шунингдек, соҳани ривожлантиришга йўналтирилган комплекс дастурларни амалга ошириш; истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг айланмаси ҳажмларини, шу жумладан, замонавий

		<p>ахборот тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш орқали мониторинг қилиш; истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техник ва технологик нормаларга риоя этилиши ҳамда сақланиш сифатини, шу жумладан уларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хомашё ва ёрдамчи материаллар сифатини назорат қилиш.</p>
3.	Молиялаштириш манбаи	<p>Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари</p>
4.	Буюртмачи томонидан бажарувчидан талаб этиладиган ишлар ва хизматлар рўйхати ва уларнинг хажми (миқдори)	<p>1. Видеоролик учун ёзилган сценарийда:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 декабрдаги “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 833-сонли қарорига биноан, “Asl belgisi” МАТнинг жорий этилиши ва ундан кўзланган мақсад хусусида; - алкоголь маҳсулотларининг маркаровкаланиш тартиби тўғрисида; - “он-лайн” касса назорат машинасида маҳсулот сотувининг белгиланмаслик ҳолатларида амалга оширилиши лозим бўлган жараён хусусида; - Ноқонуний ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни аниқлаш ва масъул ташкилотни хабардор этиш тўғрисида. <p>2. Битта видеороликнинг давомийлиги 1 дақиқадан 1-20 дақиқагача бўлиши,</p> <p>3. Ушбу ролик Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг барча каналларида бериб борилиши даражадаги сифатга эга бўлиши шарт.</p> <p>4. Ушбу роликни телеканалларда берилиши ва ижтимоий тармоқлар, телеграм каналларда қўйилишига монанд форматда берилиши лозим.</p>

5.	Бажариладиган ишлар ва хизматларнинг аниқ манзили.	Тошкент шаҳри, зарур ҳолларда вилоятларга чиқилади
6.	Ишлар ва хизматларнинг мураккаблигига қараб, бажарувчига қўйиладиган талаблар	Агентлик, ўтказилган танловлар асосида ҳар томонлама қулай, маъқул шароитларни таклиф қилган иштирокчилар билан бажариладиган ишлар ва хизматлар бўйича шартномалар тузади.
7.	Ишлар ва хизматларни бажаришда қўйиладиган талаблар	<ol style="list-style-type: none"> 1. Етказиб берувчи ташкилот ушбу йўналишда фаолият олиб борган бўлиши зарур (Гувоҳнома); 2. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларнинг йўқлиги (маълумотнома); 3. Етказиб берувчи ушбу танлов бўйича хизматларни техник топшириқларга қатъий мувофиқ тақдим этиш тўғрисидаги қафолат хати бериши шарт; 4. Етказиб берувчи ташкилотда камида 2 та профессионал ходимга эга бўлиши керак; (Мавжудлиги тўғрисида қафолат хати); 5. Етказиб берувчи томонидан тасвирга олиш учун камида 1 дона РЕД камера ҳамда 1 дона дрон мавжуд бўлиши керак; (Қафолат хати);
8.	Ишлар ва хизматларни бажариш муддатлари сарфланадиган маблағлар миқдори	<p>Ишлар ва хизматларни лойиҳалаш ишларни бажариш муддатлари шартнома имзолангандан сўнг 7 календар кунида бажарилган ишнинг умумий қиймати 26 млн сўмни ташкил этади.</p> <p>Барча бажарилган ишлар шартномада кўрсатилган ҳажм, миқдор талаблари бўйича амалга оширилади.</p>
9.	Бажарилган ишлар ва хизматлар натижаларини топшириш ва қабул қилиш тартиби	Ҳисобот ҳужжатлари Агентликка қоғоз ва электрон ҳолда, қатъий сўров ва шартномада келишилган тилда топширилади.
10.	Бажарилган ишлар ва хизматларнинг техник ва бошқа ҳужжатларини давлат буюртмачисига	<p>Видеоролик якуни 4-пункт талабларида акс эттирилган лойиҳа кўринишидаги ҳисобот ҳисобланади.</p> <p>Лойиҳа буюртмачига қоғозда бир нусхада ва электрон ҳолда топширилади.</p>

	топшириш бўйича талаблар	
11.	Бажарувчининг талабларига таклифлар	Бажарувчи 4 бандда кўрсатилгандек амалга оширадиган ишлар босқичлари ва усулларини аниқ белгилаган ишончли хужжатларини тақдим қилишлари лозим.